

Расмий муносабат



Олтинсой тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати Ижтимоий тармоқларда тармоқ фаоли Собир Шоҳимардонов томонидан “Тоғай Мурод” маҳалласидаги бир гурӯҳ фуқаролар томонидан маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Азим Омоновнинг фаолиятидан норози бўлиб, йўллаган мурожаати юзасидан туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ходимлари билан биргаликда ўрганиш олиб бориб, қуидагиларни аниқлади:

1. Мурожаатчилар томонидан маҳалла инфратузилмаси, суғориш ариқлари ва ичимлик суви йўлларини тортиш бўйича норозилик билдирилган бўлиб, бу юқорида кўрсатилган ишлар маҳаллада имкониятлар доирасида бажарилган бўлиб, янада ривожлантириш учун “Очиқ бюджет” ташабbusлари орқали ҳамжиҳатликда бажариш кераклиги, бу битта ҳоким ёрдамчисининг вазифаси эмаслиги бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.
2. Маҳаллада кейинги вақтларда ташкил этилаётган “Маҳалла еттилиги” орқали келгусида кўча чироқлари, ичимлик сувлари ҳамда йўлларни тошлиш ҳамда асфальтлар ишлари олиб боришликни “Очиқ бюджет” тизими орқали мунтазам ишларда юзага чиқариш мумкинлиги айтиб ўтилиб, мурожаатчиларга тушунчалар берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маҳаллалардаги барча аҳоли, фаоллар ва “Маҳалла еттилиги” га келгусида маҳалла ободлиги, бандликни таъминлаш бўйича жиддий ишлар бажариш лозимлиги акс холда, масъулларга нисбатан жорий Қонунлар бўйича жазо берилишни маълум қилинади.